

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**Боборажабов Баҳодир Насриддин ўғли**

**Битумларни модификация қилиш ва улар асосида йўлларни қоплаш  
учун композициялар таркиби ва олиш технологиясини яратиш**

**02.00.08 - Нефт ва газ кимёси ва технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент– 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Боборажабов Баходир Насриддин ўғли**

Битумларни модификация қилиш ва улар асосида йўлларни қоплаш  
учун композициялар таркиби ва олиш технологиясини яратиш.....3

**Боборажабов Баходир Насриддин угли**

Модификация битумов и создание на их основе композиций и технологии  
получения дорожного покрытия.....21

**Boborajabov Bakhodir Nasriddin ogli**

Content and creation of technology for modifying bitumen and obtaining  
compositions on their basis for road surfaces.....39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works.....42

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**БОБОРАЖАБОВ БАҲОДИР НАСРИДДИН ЎҒЛИ**

**БИТУМЛАРНИ МОДИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ ВА УЛАР АСОСИДА  
ЙЎЛЛАРНИ ҚОПЛАШ УЧУН КОМПОЗИЦИЯЛАР ТАРКИБИ ВА  
ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЯРАТИШ**

**02.00.08 - Нефт ва газ кимёси ва технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент– 2021**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/T1266 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент кимё-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида (ik.kimyo.nuu.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Ибадуллаев Ахмадjon Собирович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Юнусов Мираҳмад Пўлатович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Ҳамидов Босит Набиевич**  
техника фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**«O'ZLITINEFTIGAZ» AJ**

Диссертация химояси Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.T.04.01 рақамли Илмий кенгашининг «\_\_\_»\_\_\_\_\_2021 йил соат \_\_\_\_\_даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўч. 32. Тел.: (99871) 244-79-20, факс: (99871)244-79-17, e-mail: tkti\_info@edu.uz.)

Диссертация билан Тошкент кимё-технология институти Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100011, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўч. 32. Тел.: (99871)244-79-20).

Диссертация автореферати 2021 йил « \_\_\_ » \_\_\_\_\_ куни тарқатилган.

(2021 йил « \_\_\_ » \_\_\_\_\_даги № \_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**С.М.Туробжонов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**Х.Э.Қодиров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, т.ф.д., профессор

**Г.Р. Раҳмонбердиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к.ф.д. профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Бугунги кунда дунёда органик ва ноорганик моддалар асосидаги материалларни коррозиядан химоя қилиш, йўл қопламалар ва изоляцион материаллар олишда битум ва улар асосидаги композициялар асосий хом ашё хисобланади. Битум ва улар асосидаги композицияларни технологик ва эксплуатацион хоссаларини яхшилаш учун уларни модификация қилиш усуллари қўлланилади. Шу билан бирга битумларни совуқга ва иссиқга бардошлигини, эластиклик, чўзилиш хоссаларини ва хизмат қилиш вақтини ошириш мақсадида уларни технологик, физик-механик, динамик хоссаларини олдиндан берилган талаб асосида структурасини шакллантирувчи ингредиентлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда битум ва улар асосидаги композицияларни эксплуатацион хоссалари ва хизмат қилиш вақтини ошириш учун модификация қилиш ва совуқга, иссиқга, эгилишга, чўзилишга чидамлигини ошириш, модификациялаш ингредиентлари ва технологияларини яратиш, модификацияланган битум асосида композициялар таёрлаш таркиби ва технологияси ишлаб чиқиш, композиция таркибига кирувчи ингредиентларни кимёвий ва физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш борасида илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Республикамизда охириги йилларда ишлаб чиқариш талабларига жавоб берувчи экспорт боп битумлар турларини маҳаллий хомашёлар асосида олиш, уларнинг таркибига кирувчи ингредиентларни физик кимёвий технологик хоссаларини ўрганиш ва улар асосида совуқга, иссиқга, эгилишга, чўзилишга чидамли эластик, узоқ вақт хусусиятларини ўзгартирмайдиган тез ўзгарувчан об-ҳаво шароитига бардошли битум олиш таркиби ва технологияларини яратиш борасида бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида «маҳаллий хомашё ва иккиламчи ресурслардан импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар олиш технологияларини яратиш»<sup>1</sup> вазифаси белгилаб берилган. Бу борада маҳаллий хомашёлар асосида совуқга, иссиқга, эгилишга, чўзилишга чидамли эластик, узоқ вақт хусусиятларини ўзгартирмайдиган тез ўзгарувчан об-ҳаво шароитига бардошли битум олиш таркиби ва технологияларини яратиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 февралдаги ПФ-2298-сон «2017-2019 йилларга буюм ва материалларни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида»ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ва 2017 йил 6 апрелдаги ПФ-4891-сон «Товарлар (ишлар, хизматлар) ҳажми ва таркибини танқидий таҳлил қилиш, импорт

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ПФ-4947-сон фармони

ўрнини босадиган ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш тўғрисида»ги, 2017 йил 21 апрелдаги ПҚ-2916-сон «2017-2021 йилларда маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари ва қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Нефтларни қайта ишлаш асосида ҳар хил шароитларда ишлатилувчи битумлар олиш таркиби ва технологияларини яратиш бўйича F. Nellensteyn, A. Ludwig, J.E. Dooley, C.J. Thompson, J.P. Pfeiffer, П.А. Ребиндер, Ф.Б.Унгер, И.Б. Грудникова, Д.А. Розенталь, Р.Б. Гун, А.А. Гуреев, И.М. Руденская, Л.М. Гохман, А.С. Колбановская, З.И. Сюняев, С.С. Негматов, Б.Н. Хамидов, А.С.Ибадуллаев, Б.Б.Собиров, К.С.Негматова ва бошқалар илмий тадқиқот ишлари олиб боришган.

Улар томонидан ноорганик моддалардан олинган материалларни қаррозиядан ва захдан химояловчи, йўл ва аэродромларни қопламалашга композиция яратиш учун ҳар хил битумлар олиш таркиби ва технологиялари ва уларни хомашёлари таёрлаш технологиялари яратилган, шу билан бирга улар асосида битум композицияларни таркиби, олиш ва ишлатиш технологиялари жорий этилган.

Шу билан бирга жaxon стандартларига жавоб берувчи совукга, иссиқга, эгилишга, чўзилишга чидамли эластик, узоқ вақт хусусиятларини ўзгартирмайдиган тез ўзгарувчан об-ҳаво шароитига бардошли битум ишлаб чиқиш учун ингредиентлар яратиш, уларни модификация қилиш, ишлатилиш шароитидан келиб чиқиб композициянинг таркибини тузиш, олиш ва ишлатиш технологияларини ишлаб чиқиш бўйича илмий ишлар олиб борилмоқда.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент кимё-технология институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №МУ-ПЗ-20171025326 «Йўл битумини модификациялаш ва автомобил йўллари учун полимер битум композицияларини яратиш» (2018-2019 й.й.) ва №ПЗ-2017092815 «Маҳаллий хомашёлар асосида автомобил йўллари ва аэродромлар учун модификацияланган полимер битум композицияларини олиш технологиясини яратиш» (2018-2020 й.й.) амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** маҳаллий хомашёлар асосида модификацияланган битум олиш таркиби ва технологиясини ишлаб

чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

махаллий хомашёлар ва нефть-газни қайта ишлаш саноати чиқиндилари физик-кимёвий хоссаларини аниқлаш;

махаллий хомашёлар ва нефть-газни қайта ишлаш саноати чиқиндилари асосида битумларнинг эксплуатацион хоссаларини яхшилаш учун модификаторлар яратиш;

нефьдан битум олиш жараёнининг самарадорлигига ва уларнинг физик-кимёвий, эксплуатацион хоссаларига хомашё таркибининг таъсирини аниқлаш;

яратилган модификатор ва ингредиентлар билан битумларни модификация қилиш;

яратилган модификатор ва ингредиентларни битумларнинг иссиқга, совуқга, чўзилишга, сиқилишга, коррозияга чидамлилигига ва реологик, технологик физик-механик, динамик хоссаларига таъсирини аниқлаш;

яратилган ингредиентлар асосида тез ўзгарувчан об-ҳаво шароитида ишлатилувчи модификацияланган битум ва улар асосида композиция таркиби ва олиш технологиясини ишлаб чиқиш;

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида махаллий хом ашёлар, нефть ва газни қайта ишлаш саноати чиқиндилари ва Фарғона нефтьни қайта ишлаш заводида ишлаб чиқарилаётган битумлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни махаллий хомашёлар, нефть ва газни қайта ишлаш саноати чиқиндиларини қўллаб тез ўзгарувчан об-ҳаво шароитида ишлатилувчи, иссиқга, совуқга, коррозияга, чўзилишга ва сиқилишга чидамли битум таркиби ва олиш технологиялари ташкил этган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишида физик-кимёвий (ИКС, ЯМР, ПМР), полимер битум композициялари учун стандартлаштирилган физик-механик, кинематик, динамик ва экспериментларни режалаштириш ҳамда математик статистика усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгиллиги** қуйидагилардан иборат:

махаллий хомашёлар ва нефть-газни қайта ишлаш саноати чиқиндилари асосида тез ўзгарувчан об-ҳаво шароитида ишлатилувчи битум олиш учун модификаторлар яратилган;

эскирган резина-техника буюмлари ва шиналар асосида ўзгарувчан об-ҳаво шароитида ишлатилувчи битум олиш учун кўп функцияли ингредиент яратилган;

битумларни яратилган модификатор ва ингредиентлар билан модификация қилиш таркиби ва технологияси ишлаб чиқилган;

яратилган модификатор ва ингредиентларнинг битумни иссиқга, совуқга, ишқаланишга, чўзилишга, коррозияга сиқилишга чидамлилигига ва реологик, технологик физик-механик, динамик хоссаларига таъсири аниқланган;

яратилган ингредиентлар асосида тез ўзгарувчан об-ҳаво шароитида ишлатилувчи битум таркиби, олиш ва ишлатилиш технологияси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат:

махаллий хомашёлар, нефт-газни қайта ишлаш саноати чиқиндилари, эскирган резина-техника буюмлари ва шиналари асосида ўзгарувчан об-ҳаво шароитида ишлатилувчи битум олиш учун кўп функцияли ингредиентлар ва модификаторлар яратилган;

махаллий хомашёлар асосида тез ўзгарувчан об-ҳаво шароитида ишлатилувчи, иссиқга, совуқга, ишқаланишга, коррозияга, чўзилишга ва сиқилишга чидамли битум таркиби, олиш ва ишлатилиш технологияси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Диссертация тадқиқоти кимёвий, физик-кимёвий, технологик, физик-механик, техник ва стенд усуллари қўлланилганлиги, йириклаштирилган ва тажриба-саноат синовлари билан тасдиқланганлиги, ҳамда маҳаллий хоашёларни қўллаб ўзгарувчан об-ҳаво шароитида ишлатилувчи, иссиқга, совуқга, ишқаланишга, коррозияга, чўзилишга ва сиқилишга чидамли битум таркиби, олиш ва ишлатилиш технологияси ишлаб чиқилганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти маҳаллий ва нефть-газни қайта ишлаш саноати чиқиндилари, эскирган резина-техника буюмлари ва шиналари асосида кўп функцияли ингредиентлар ва уларни қўллаб ўзгарувчан об-ҳаво шароитида ишлатилувчи битум олиш технологиясини илмий асоси яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти маҳаллий ва нефт-газни қайта ишлаш саноати чиқиндилари, эскирган резина-техника буюмлари ва шиналари асосида кўп функцияли ингредиентлар ва уларни қўллаб импорт ўрнини босадиган, рақобатбардош, мақсадли, ўзгарувчан об-ҳаво шароитида ишлатилувчи ва берилган структура ва хусусиятларга эга бўлган битум ишлаб чиқаришга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Маҳаллий хомашёлар асосида жаҳон талабларига жавоб берувчи модификацияланган битум олиш таркиби ва технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

яратилган модификаторлар асосида йўл битумларини модификация қилиш таркиби Фарғона нефтни қайта ишлаш заводининг «2022-2023 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати»га киритилган (Фарғона нефтни қайта ишлаш заводининг 2021 йил 12 майдаги 02-02/17-сон маълумотномаси). Натижада йўл битумларини юмшаш ҳароратини 48оС дан 120оС гача ошириш имконини берган.

яратилган модификаторлар асосида йўл битумларини модификация қилиш технологияси Фарғона нефтни қайта ишлаш заводининг «2022-2023 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати»га



киритилган (Фарғона нефтни қайта ишлаш заводининг 2021 йил 12 майдаги 02-02/17-сон маълумотномаси). Натижада йўл битумларини ишлаб чиқариш унимдорлигини 23% ошириш имконини берган.

модификация қилинган битум ва маҳаллий органоминерал хомашёлар асосида йўл қопламалари олиш таркиби Автомобил йўллари қўмитасининг «2022-2023 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати»га киритилган (Фарғона нефтни қайта ишлаш заводининг 2021 йил 12 майдаги 02-02/17-сон маълумотномаси). Натижада асфальто-битум йўл қопламалари технологик, физик-механик ва эксплуатацион хоссаларини 37%, ишлатилиш вақтини уч баробарга ошириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари маъруза кўринишида 7 халқаро ва 1 республика илмий-техник анжуманларда апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 16 та илмий ишлар чоп этилган бўлиб, Ўзбекистон Олий Аттестация Комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этилиши тавсия қилинган илмий нашрларда, 7 та мақола, шундан 4 та республика, 3 та чет-эл журналларида ва 1 монография нашр қилинган. Халқаро ва Республика илмий-амалий анжуманларда 8 та маъруза тезислари чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўрта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 100 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Нефт битумлари: олиш технологик асослари, хоссалари, ишлатилиши ва модификацияси**» деб номланган биринчи бобида битумлар ишлаб чиқаришнинг замонавий ҳолати, уларнинг хоссаларига бўлган талабларнинг ўзгариш тенденциялари келтирилган. Ушбу масалани таҳлили шуни кўрсатдики, нефт битумларига бўлган талабнинг ўсиш тенденцияси сақланиб турган шароитда, республиканинг маҳаллий хомашё ресурслари асосида нефт битумлари ресурсларини кенгайтиришга қаратилган тадқиқот ишлари долзарб бўлиб қолмоқда. Бу борада нефт битумларини модификация усули билан, қайта ишлашдаги турли оғир нефт қолдиқларини оксидланиш жараёнининг самарасини ошириш ва аралаштириш билан товар битумини олишда муҳим компонентлар сифатида

ишлатилиши кўрсатиб берилган. Нефт ва нефт маҳсулотлари тўғрисидаги коллоид-кимёвий қарашлар назарий асослари берилган, нефт битумларини ишлаб чиқариш жараёнларини жадаллаштиришда ва хоссаларини бошқарилишида уларнинг роли кўрсатилган. Нефт битумларини ишлаб чиқарилишида хомашё учун муқобил манба сифатида ёнувчи сланецлар смолаларини, нефт ва газ, резина саноати чиқиндиларини ишлатилишининг истиқболлилиги кўрсатиб берилган.

Диссертациянинг «**Нефт битумларни ишлаб чиқиш учун ингредиентлар танлаш ва ўрганиш усуллари**» деб номланган иккинчи бобида фойдаланилган объектларнинг физик-кимёвий тавсифлари ва тадқиқотлар усуллари берилган. Объектлар сифатида нефт ва газ, резина саноати чиқиндилари, оксидланган ва чуқур оксидланган битумлар ўрганилган. Битум ишлаб чиқариш жараёни хомашёси ва қўшилмаларни танлаб олиш принциплари асослаб берилган. Хомашё ва битум композицияларини физик-кимёвий, технологик, техник, эксплуатацион хоссаларини ўрганиш усуллари, ускуналари таърифи берилган.

Диссертациянинг «**Битумларни модификация қилиш ва унинг хоссаларини ўрганиш**» деб номланган учунчи бобида нефт ва газ, резина саноати чиқиндилари, оксидланган ва чуқур оксидланган битумлар ва уларни модификация қилиш усуллари ҳақида маълумотлар берилган.

Маълумки Ўрта Осиё худуди тез ўзгарувчан об-ҳавога эга бўлиб, тоғли ва чўл худуди йўлларида асфалтабетон қопламалар тез ишдан чиқишига олиб келади. Бунга сабаб уларда қўлланилаётган композициянинг асоси бўлган битумларни совуққа ва иссиққа чидамли эмаслиги (1,2-жадвал).

## 1-жадвал

### Йўл битумларининг асосий сифат кўраткичлари

Битумларни номланиши	Юмшаш ҳарорати, °С	Игнани кириш чуқурлиги 25 °С, 0,1мм	Игнани кириш чуқурлиги 0 °С, 0,1 мм	Оғирлик йўқатиши, % масс.	Ёпишқоқлиги, нисб.бир.
БНД 60/90	48	89	25	0,270	2,0
БНД 90/130	45	117	26	0,417	2,1

Йўл битумларини иссиққа ва совуққа чидамлилигини ошириш учун уни газни қайта ишлаш ва резина саноати чиқиндилари билан модификация қилиш усуллари ўрганилди.

## Йўл битумларининг асосий сифат кўраткичлари

Маркалари	КиШбўйичча юм- шашарорати, °С	Фраас, бўйичча музлашхарорати °С	Игнани кириш чуқурлиги 0°С	Пенетрация, 25°С	Дуктильности, 0°С, см	Дуктильности, 25°С, см	Эластиклиги, 0°С, %	Эластиклиги, 25°С, %
БНД 60/90	47	-15	20	61-90	3,5	55	4	13
БНД 90/130	43	-17	28	91-130	4	65	-	-

Маълумки «Uz-Kor Gas Chemical» қўшма корхонаси Ўрта Осиёда ягона полимерлар ишлаб чиқариш корхонасидир. Корхонада йилига 387 минг тонн полиэтилен, 83 минг тонн полипропилен ишлаб чиқарилади. Бунда 102 минг тонна пиролиз дистилляти, 8 минг тонна пиролиз ёғи ва 10 минг тонна тар-продукт газопиролиз смола чиқинди сифатида ҳосил бўлади.

## Газопиролиз смоласининг кимёвий таркиби


Углерод сони	Алканлар	Диенлар	Олефинлар	Циклоалканлар	Аренлар	Σ
5	0,8	0,89	4,91	0,19	0	6,79
6	0,22	0,41	3,87	0,41	32,94	37,85
7	0,25	0,14	0,84	0,45	11,23	12,91
8	0,12	0,08	0,18	0,48	9,75	10,61
9	0,04	0,1	0,04	0,15	7,56	7,89
10	0,03	0,11	9,07	0,4	5,23	14,84
11	0,18	0,69	2,95	0	0,47	4,29
12	0	0,15	1,84	0	0	1,99
Σ	1,64	2,57	23,7	2,08	67,18	97,17

Ўрганишлар шуни кўрсатдики газопиролиз смола (М-1) қора рангли ҳидсиз қаттиқ модда (3-жадвал). Газопиролиз смоланинг таркибида, асосан арен ва oleфинларнинг углерод сони 6-12 гача боради. Oleфинларнинг

миқдори 23,7%, аренларнинг миқдори эса 67,18% ташкил қилади. Яна унинг таркибида алканлар, диенлар, циклоалканлар бор. Сифат ва миқдор анализлар компонентларнинг спектрлари билан мослигини кўрсатади уларнинг миқдори 90-97% тенг.

Биз йўл битумини модификация қилиш учун яна полиэтилен ишлаб чиқаришда ҳосил бўлувчи паст молекулали чиқинди олигомер (М-2) ишлатдик, у сариқ рангли, қайнаш ҳарорати 398-513°C атрофида ва эскирган резина-техника буюмлари ва шина маҳсулотларини пиролиз усули ёрдамида олинган олигомерни (М-3) танлаб олдик. Унинг элемент таркиби: углерод-91,97%, водород-6,10% ва кислород-3,10% ни ташкил қилади. Олигомер умумий брутто формуласи  $C_{51}H_{42}O$ .

Гель-хроматография маълумотига кўра ўртача молекуляр оғирлиги  $\approx 800-1000$  ни ташкил этади. ИК-спектроскопик тадқиқотлар натижасига кўра соҳада ютилиш чизиқлари характеристикаси пайдо бўлиши  $3050\text{cm}^{-1}$  (ароматик ҳалқа С-Н-боғлари валент тебраниши),  $2860$ ,  $2930$  ва  $2975\text{cm}^{-1}$  (метилен ва метил гурухлари С-Н-боғлари валент тебраниши) ни ташкил этади. Шунингдек, углерод занжирининг  $1710\text{cm}^{-1}$  да (карбонил гурух  $C=O$ ), асфальтен смолалари  $1730\text{cm}^{-1}$  да ютилиш полосалари пайдо бўлиши кузатилди,  $1500-1600\text{cm}^{-1}$  соҳасида ютилиш полосалари  $C=C$  боғларнинг валент тебранишларига мос келади (1 расм).



**1-расм. М-3 модификаторининг ИК-спектори.**

Ўз навбатида, ПМР-спектрларнинг олиниши ароматик структуралар ва уларнинг ўриндош ҳосилаларига хос бўлган  $d=6,10$  м.д.,  $d=7,12$  м.д.,  $d=8,10$  м.д., протонларнинг мавжудлигини билдиради.

Ҳозирги вақтда Фарғона НҚИЗ шароитида йўл битуми олишда оксидланиш хомашёси сифатида гудрон ишлатилади. Лекин уни ишлатишда нефт қолдиқлари ва битумлардаги ўзига хос ўзгариш хусусиятларига эга. Газопиролиз смола, полиэтилен ишлаб чиқаришда ҳосил бўлувчи паст молекулали чиқинди ва эскирган резина-техника буюмлари ва шина

махсулотларини пиролиз усули ёрдамида олинган олигомерлар дисперсион мухитни эритувчанлик кучини ўзгартириб гудронларни оксидланиш жараёнини интенсификациялаш мумкинлиги тўғрисида хулоса қилиш имконини беради.

Биз таёр битумни таркибига юқорида келтирилган модификаторларни қўшдик. Аралашмани тайёрлаш 120-130°C ва аралаштириш вақти 30 дақиқа мобайнида амалга оширилди (4-жадвал). Жадвалдан кўриниб турибдики, битумни газопиролиз смола билан модификация қилинганда, унинг асосий хоссаларини ўзгаришига олиб келмоқда, яъни пенетрация ва юмшаш кўрсаткичи яхшиланган.

Битумни чўзилувчанлиги 2% газопиролиз смола қўшилганда 60 см гача ўсмоқда, сўнг бу кўрсаткични пасайиши кўзатилмоқда, унинг миқдори 5% ни ташкил этганда битум стандарт талабларига жавоб бермай қолмоқда. Яъни, бу кўрсаткич модификаторни миқдорини аниқлаш критерийси бўлиб ишлатилиши мумкин, ушбу хомашё таркиби учун газопиролиз смолани максимал миқдори 3-4% ни ташкил этади.

#### 4-жадвал

#### Газопиролиз смола билан модификацияланган БНД 60/90 йўл битумининг асосий кўрсаткичлари ва хоссалари

№	Кўрсаткичлар номи	ГОСТ 22245-90	Модификатор миқдори, %			
			1	2	3	5
1.	Игнани кириш чуқурлиги, 0,1мм:25°C да 0°C да	61-90 камида 20	<b>81</b>	<b>78</b>	<b>76</b>	<b>73</b>
			<b>21</b>	<b>21</b>	<b>20</b>	<b>18</b>
2.	Чўзилувчанлик, см: 25°Cда 0°Cда	камида 55 камида 3,5	58	60	59	57
			3,9	4,4	5,1	4,5
3.	Юмшаш ҳарорати, °C	камида 47	<b>59</b>	<b>65</b>	<b>95</b>	<b>100</b>
4.	Мўртлик ҳарорати, °C	-15дан кўп эмас	-20	-18	-16	-13
5.	Пластиклик оралиғи, °C	-	69	68	67	63
6.	Структура коэффиценти	-	1,19	1,13	1,19	1,23
7.	Қиздиришдан сўнг юмшалиш ҳароратини ўзгариши, °C	5 дан кўп эмас	4,5	2	3	4

Газопиролиз смолани хомашё таркибидаги максимал миқдорини аниқлашнинг бошқа критерийси сифатида мўртлик ҳарорати кўрсаткичинини ишлатиш мумкин, у газопиролиз смола қўшилганда ёмонлашмоқда, яъни мўртлик ҳарорати кўрсаткичинини қиймати меъерий ҳужжатга нисбатан камайиб қолмоқда. Битумнинг пенетрацияси газопиролиз смола миқдоридан ўсмоқда, бу эса шубҳасиз битумнинг молекуляр массаси ошиши билан боғлиқдир.

**5-жадвал**

**Полиэтилен ишлаб чиқаришда ҳосил бўлувчи паст молекулали  
чиқиндини БНД 60/90 битум хоссаларига таъсири**

№	Кўрсаткичлар номи	ГОСТ 22245-90	Модификатор миқдори, %			
			1	2	3	5
1.	Игнаникириш чуқурлиги, 0,1мм: 25 °С да 0 °С да	61-90 камида 20	80 20	80 20	76 20	69 18
2.	Чўзилувчанлик, см: 25 °С да 0 °С да	камида 55 камида 3,5	58 3,9	59 4,2	62 4,3	65 4,1
3.	Юмшалиш ҳарорати, °С	камида 47	48	51	52	53
4.	Мўртлик ҳарорати, °С	-15 дан кўп эмас	-19	-22	-24	-26
5.	Пластиклик оралиғи, °С	-	69	74	77	80
6.	Структура коэффициенти	-	1,19	1,27	1,26	1,49
7.	Қиздиришдан сўнг юмшалиш ҳароратини ўзгариши, °С	5 дан кўп эмас	4,5	2	3	4

**6-жадвал**


**Эскирган резина-техника буюмлари ва шиналарни пирролиз қилиб  
олинган олигомерни БНД 60/90 битум хоссаларига таъсири**

№	Кўрсаткичлар номи	ГОСТ 22245-90	Модификатор миқдори, %			
			1	2	3	5
1.	Игнаникириш чуқурлиги, 0,1мм: 25 °С да 0 °С да	61-90 камида 20	70 20	72 20	71 20	68 20
2.	Чўзилувчанлик, см: 25 °С да 0 °С да	камида 55 камида 3,5	55 3,9	56 4,0	56 4,1	56 4,0
3.	Юмшалиш ҳарорати, °С	камида 47	48	50	50	51
4.	Мўртлик ҳарорати, °С	-15 дан кўп эмас	-17	-20	-22	-24
5.	Пластиклик оралиғи, °С	-	68	70	76	78
6.	Структура коэффициенти	-	1,15	1,21	1,22	1,41
7.	Қиздиришдан сўнг юмшалиш ҳароратини ўзгариши, °С	5 дан кўп эмас	4,5	2	2	2
8.	Олтигугур бирикмаларини миқдори, %	-	0,01	0,04	0,05	0,05

Амалга оширилган тадқиқот асосида Фарғона НҚИЗ битум ишлаб чиқариш жарёнида потенциал кўшимча компонентлари сифатида полиэтилен ишлаб чиқаришда ҳосил бўлувчи паст молекулали чиқинди ишлатилиш мумкинлиги аниқланди (5-жадвал). Жадвалдан кўриниб турибдики,

полиэтилен ишлаб чиқаришда ҳосил бўлувчи паст молекулали чиқинди битумни таркибига қўшилишининг асосий хоссаларини айрим кўрсаткичларини ўзгаришига олиб келмоқда яъни битумни пенетрацияси бироз пасаймоқда, бу шубҳасиз битумга нисбатан юқори молекулали олигомер қўшилганидан бўлиши мумкин. Бунда 5% полиэтилен ишлаб чиқаришда ҳосил бўлувчи паст молекулали чиқинди битумни

0°C даги пенетрация кўрсаткичи стандарт талабларига нисбатан камайиб қолмоқда. Юмшалиш ҳарорати экстракт қўшилишидан айрим миқдорда ошиш тенденцияга эга. Мўртлик ҳарорати кўрсаткичи хомашёда полиэтилен ишлаб чиқаришда ҳосил бўлувчи паст молекулали чиқинди миқдори 5 % бўлганда махсулотни мўртлик ҳарорати кўрсаткичи 7°C га пасаяди, бу битумларни пастҳароратлик хоссаларини сезиларли яхшиланишини билдиради. Битумларни хоссаларини яхшилаш учун учунчи модификатор эскирган резина-техника буюмлари ва шиналарни пиролиз қилиб олинган олигомер қўшилди (М-3).



1, 2, 3, 4 - битум, М-1, М-2 ва М-3 учун бункерлар, 5-реактор, 6-модификация-ланган битум учун бункер, 7-червакли диспергатор, 8,9,10,11,12,13,14-насослар.

## 2-расм. Модификацияланган битумни олиш технологияси.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, битумда М-3 миқдори 5 % гача қўшилганда унинг хоссалари қуйидагича ўзгаради (6-жадвал). Жадваллардан кўриниб турибдики М-1, М-2, М-3 модификаторлар битумнинг хоссаларига ҳар хил таъсир қилмоқда, бизнинг мақсадимиз модификаторларни қўшиш оптимал вариантини топиш ва юқори физик-кимёвий ва физик-механик хоссаларга эга бўлган битум таркибини аниқлаш. Шу мақсадда уларни қуйидаги миқдорда битум таркибига қўшдик. Уларни қўбинация қилиш натижасида оптимал вариантдаги таркибли битумнинг таркиби ва олиш технологик жараёни ишлаб чиқилди. Бунда битум БНД

60/90 аралаштиргичли реакторда 120-130°C иссиқликда 30 дақиқа давомида қиздирдик бир хил таркибли эритма олинди ва унга М-1 модификатори битумга нисбатан 3% миқдорда қўшдик. Модификатор қўшилгандан кейин у эрип кетгунгача аралаштирилди ва 10 дақиқани ташкил қилди. Бир хил таркибли аралашма олингандан кейин иккинчи модификатор М-2 битумга нисбатан 4% миқдорда қўшилди. М-2 суяқ модда бўлганлиги учун унинг аралаштириш вақти 5 дақиқани ташкил қилди. Кейин М-3 модификатори ҳам қўшилди унинг миқдори битумга нисбатан 5% ташкил қилди ва яна 5 дақиқа аралаштирилди. Олинган композиция йиғиш бункерига тўкилди уни 60°C гача совутилиб, композицияни кейин червакли машинага берилди ва рулон сифатида олинди. Модификация қилинган битумни олиш технологияси 2-расмда келтирилган. Модификацияланган битумни хоссалари 7-жадвалда кўрсатилган экстракт қўшилишидан айрим миқдорда ошиш тенденцияга эга.

### 7-жадвал

#### Модификацияланган БНД 60/90 битумини хоссалари


№	Кўрсаткичлар номи	ГОСТ 22245-90	МБНД60/90
1.	Игнани кириш чуқурлиги, 0,1мм: 25 °С да 0 °С да	61-90 камида 20	<b>86</b> <b>23</b>
2.	Чўзилувчанлик, см: 25 °С да 0 °С да	камида 55 камида 3,5	<b>69</b> <b>6,1</b>
3.	Юмшалиш ҳарорати, °С	камида 47	<b>104</b>
4.	Мўртлик ҳарорати, °С	-15 дан кўп эмас	<b>-13</b>
5.	Пластиклик оралиғи, °С	-	<b>68</b>
6.	Структура коэффиценти	-	<b>1,21</b>
7.	Қиздиришдан сўнг юмшалиш ҳароратини ўзгариши, °С	5 дан кўп эмас	<b>3</b>
8.	Олтигугур бирикмаларини миқдори, %	-	<b>0,03</b>

Игнани кириш чуқурлиги, чўзилувчанлик, мўртлик ҳарорати, пластиклик оралиғи, структура коэффиценти, қиздиришдан сўнг юмшалиш ҳароратини ўзгариши техник хужжатлар талабларига жавоб беради. Аммо модификацияланган битумнинг юмшалиш ҳарорати 104°C ошган биз амалда қўйган мақсадимизга эришдик, яъни республикамизнинг тез ўзгаручан ҳароратига, чўл ва тоғли худудларда ишлатиш мумкин бўлган модификацияланган битум олиш таркиби ва технологиясини яратдик.

Диссертациянинг «Модификацияланган битумнинг техник ва эксплуатацион хоссаларини ўрганиш» деб номланган тўртинчи бобида яратилган модификацияланган битумни ишлаб чиқариш ва ишлатилиш шароитидаги хоссаларини ўрганиш натижалари ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Маълумки йўл қопламалари учун ишлатиладиган битумларга юқори ҳароратга ва совуққа чидамлиги билан бирга композиция таркибига қўшиладиган минерал майин ва дағал тўлдиргичлар билан аралаштириш ва



ёпишиш талаблари ҳам қўйилган. Шунинг учун ҳам яратилган модификацияланган битумни асфалта битум композицияси таёрлашда бошқа ингредиентлар билан аралаштириш хоссаларини ўргандик. Композиция таёрлашда унинг хоссаларига таёрлаш вақти жуда катта аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам қуйидаги тартибда таркиб тузиб асфалт-битум композициясини олдик. МБНД60/90-100 масс.б., бентонит - 5 масс.б., боғловчи модда-5,0 масс.б., шебен-70%, кум (0,5) -30 масс.б., махсус қўшимчалар- 10 масс.б. композицияни таёрлаш вақти  $175\pm 5^{\circ}\text{C}$  да 1 дан 6 соатгача ўрганилди (3-расм).




Таёрлаш температураси  $175\pm 5^{\circ}\text{C}$ , 1 – юмшаш температураси, 2 –  $25^{\circ}\text{C}$  даги чўзилиши, 3 – игна кириш чуқурлиги, 4 – бетон билан ёпишиш мустахкамлиги

### 3 - расм. Композиция таёрлаш вақтининг композиция физик-механик хоссаларига таъсири.

Расимдан кўришиб турибдики модификация қилинган битум композиция таркибидаги ингредиентлар билан жуда яхши аралаштириш акс этган ва унинг таёрланиш вақти 4-5 соатни ташкил этиши аниқланди. Шу билан бирга игнани кириши 32 дан 27 мм<sup>1</sup>гача камайган, эриш харорати 102 дан  $121^{\circ}\text{C}$  гача ошган композицияни кўрсаткичлари ошиши бентонитни қўшилиши билан бўлиши мумкин яъни паст молекулали органик боғловчиларни адсорбция қилади ва ноорганик ингредиентлар билан ёпишиб тўлдиргич ва жиписловчи вазифасини бажариб уларни бир-бирига ёпишишини таъминлаб беради бу эса бетон асос билан ёпишишга олиб келади. Композициянинг хажмини ошириш, ишқаланишга ва қуёш нуридан химоялаш учун унинг таркибига 30 масс.б. угрелодли бирикма қўшилди. Бу угрелодли бирикма ацетилен олишда ҳосил бўлувчи иккиламичи хомашё бўлиб унинг таркиби асосан қуйидагилардан иборат (8-жадвал).

## Углеродли материал таркиби

Кўрсаткичлар номи	Таркиби, %				
	УМ	Т 900	Т 701	Т 705	П 803
Углерод	<b>88-90</b>	96-99	96-98	96-98	97-99
Водород	<b>3-4</b>	0,3-0,5	0,4-0,6	0,6-0,8	0,4-0,6
Кислород	<b>6-7</b>	0,1-0,2	0,3-0,5	0,3-0,5	0,1-0,2
Сера	-	0,1	0,3	0,3	0,2
Золлиги	<b>0,8-0,9</b>	0,1-0,2	0,4-0,6	0,4-0,5	0,4-0,5



Таёрлаш температураси  $175 \pm 5^{\circ}\text{C}$ , 1 – юмшаш температураси, 2 –  $25^{\circ}\text{C}$  даги чўзилиши, 3 – игна кириш чуқурлиги, 4 – бетон билан ёпишиш мустаҳкамлиги


**4-расм. Композиция таёрлаш вақтининг таркибига таъсирини кўрсатади.**

Углеродли материални таркибига қўшганда технологик жараёнда ноорганик моддаларни аралаштириш осонлашиб, яни бир-хил таркибли масса хосил қилиниб композициянинг технологик хоссалари яхшиланган (4-расм).

Бунинг сабаби углеродли материал таркибидаги 12% гача бўлган олигомер бўлиши мумкин. Ўрганишлар шуни кўрсатдики унинг таркибида асосан: углерод-92,11%, водород-5,70%, кислород-2,19% ташкил қилади ва ўртача молекуляр массаси  $\approx 700$ . ИК-спектроскопик ўрганишлар шуни кўрсатдики бу модда газни пирролиз вақтида углеродли материал юзасида конденсация бўлган ароматик парафин-нафтенли углеводородлардир, ва кислород боғлаган карбонатли бирикмалардир. Бу асосан  $3050\text{см}^{-1}$  (C-H-боғ ароматик қольцода),  $2860$ ,  $2930$  и  $2975\text{см}^{-1}$  (C-H-боғ метилен ва метил группа) борлиги аниқланган. Яна  $1710\text{см}^{-1}$  (карбонил группа C=O) в углерод боғида,  $1730\text{см}^{-1}$  асфалтенлар борлиги,  $1500-1600\text{см}^{-1}$  паласа эса термик циклизация асосида хосил бўлган C=C – боғга эга. ПМР-спектрда  $d=6,70$  м.д.,  $d=6,85$  м.д.,  $d=7,10$  м.д., ароматик структурага эга эканлиги кўрсатди. Расмдан

кўриниб турибдики углеродли материал асфалтабтум композициясини физик-механик хоссаларини яхшилайти ва композициянинг эриш вақти харорати ошишини кўрсатади ва 122-125<sup>0</sup>С атрофига кўтарилади бетон билан ёпишиши эса 0,9 МПа гача ошади.

Композициянинг таёрлаш вақтини унинг хоссаларига таъсирини ўрганиш жараёнида олдиндан берилган хоссали асфалтабитум композициясини олишга танланган ингредентларни миқдори ва уларнинг физик-кимёвий хоссалари ва структурасига боғлиқлик эканлиги кўрсатилди. Шу билан бирга асфалтабитум композициянинг технологик ва физик механик хоссаларига хароратни таъсирини ўрганиш зарур деб топдик ва хароратни композиция хоссаларига таъсири ўрганилди. Бунда оптимал харорат топилади ва технологик жарайон кўрсаткичлари аниқланади (5-расм).



Таёрлаш вақти 2 соат, 1 – юмшаш харорати, 2 –25<sup>0</sup>С да чўзилувчанлиги; 3 – Игнани кириш чуқурлиги; 4 – бетон билан ёпишиш мустахкамлиги

**5-расм. Композициянинг физик-механик хоссаларини хароратга боғлиқлиги.**

Расмдан кўриниб турибдики композицияни таёрлаш оптимал шароити 180-200<sup>0</sup>С ташкил қилади. Олинган натижалар асосида яратилган модификацияланган йўл битумини ҳозирги вақтдаги композиция таёрлаш технологик жараёнида ўзгартиришлар киритилмасдан таёрлаш мумкин эканлиги аниқланди.

Яратилган М-1, М-2, М-3 модификаторлар ҳозирги вақтда Фарғона НҚИЗ ишлаб чиқарилувчи барча битумларга кўшимча модификатор сифатида тавсия этилади. Буни Ўзбекистон худудининг тўртта регионининг об-ҳаво шароитида синовдан ўтказиш натижалари асосида хулосаланди ва яратилган композицияларнинг иқтисодий самарадорлиги юқори ва паст хароратларга чидамлилиги натижасида ишлатилиш вақтини ошиши асосида йилига хар бир худудда 1,7 млрд сўмни ташкил қилиниши ҳисобланди.

**ХУЛОСА**

1.«Uz-Kor Gas Chemical» кўшма корхонаси иккиламчи хомашёси газопиролиз смоласи, «ШГАМК»да полиэтилен ишлаб чиқаришда ҳосил

бўлувчи паст молекулали чиқиндини ва иккиламчи резина-техника буюмлари ва шиналарни пирролиз қилишда ҳосил бўлувчи суюқ моддаларни физик-кимёвий хоссалари ўрганилиш асосида, уларни битумларни хоссаларини яхшилаш модификатори сифатида тавсия этилди.

2. Фарғона НКИЗ ишлаб чиқарилувчи йўл битумлари технолокик ва физик-кимёвий хоссаларига «Uz-Kor Gas Chemical» қўшма корхонаси иккиламчи хомашёси газопирролиз смоласи (М-1), «ШГАМК»да полиэтилен ишлаб чиқаришда ҳосил бўлувчи паст молекулали чиқиндси (М-2) ва иккиламчи резина-техника буюмлари ва шиналарни пирролиз қилишда ҳосил бўлувчи суюқ моддаларни (М-3) миқдорини таъсири аниқланиб, уларнинг композициядаги оптимал миқдорлари тавсия этилди.

3. Битум таркибига М-1 модификаторини 5 мас.б. қўшиш натижасида эриш харорати  $120^{\circ}\text{C}$  кўтарилиши, аммо унинг мортлиги ошиши, қўшимча М-2 ва М-3 модификаторларни киритиш натижасида унинг эриш харорати  $104^{\circ}\text{C}$  гача кўтарилиши ва мортлиг, пенитрация, қовушқоқлик кўрсаткичлари ГОСТ талаблари асосида эканлиги изоҳланади.

4. М-1, М-2 ва М-3 модификаторлари билан йўл битумлари модификацияланганда технолокик жараёнда ҳосил бўлган актив марказлар асосида кимёвий боғлар ҳосил бўлиши натижасида композициянинг технолокик ва эксплуатацион хоссалари ошиши исботланди ва уларнинг оптимал миқдорлари тавсия этилди.

5. Олинган натижалар асосида асфалт-битум композициясини МБНД 60/90-100 масс.б., бентонит - 5 масс.б., боғловчи модда-5,0 масс.б., шебен - 70%, кум (0,5) -30 масс.б., махсус қўшимчалар- 10 масс.б. таркиби ва унинг эксплуатацион хоссалари игнани кириши 32 дан 27  $\text{мм}^{-1}$ гача камайиши, эриш харорати 102 дан  $121^{\circ}\text{C}$  гача ошиши тавсия этилди.

6. Олинган натижалар асосида йўл битумларини яратилган М-1, М-2, М-3 модификаторлари билан модификациялаш ва у асосида Республикаимизнинг ўзгарувчан об-ҳаво шароитида ишлатилувчи йўл қопламалари учун асфалта битум композициялари олиш технологиялари тавсия этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ХИМИКО-  
ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ**

**БОБОРАЖАБОВ БАХОДИР НАСРИДДИН УГЛИ**

**МОДИФИКАЦИЯ БИТУМОВ И СОЗДАНИЕ НА ИХ ОСНОВЕ  
КОМПОЗИЦИЙ И ТЕХНОЛОГИИ ПОЛУЧЕНИЯ ДОРОЖНОГО  
ПОКРЫТИЯ**

**02.00.08 – Химия и технология нефти и газа**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2021**

**Тема диссертации доктора философии по техническим наукам (PhD) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2019.3.PhD/T1266**

Диссертация выполнена в Ташкентском химико-технологическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-сайте Научного совета по адресу [www.tkti.uz](http://www.tkti.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу [www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)

**Научный руководитель:** **Ибадуллаев Ахмаджон Собирович**  
доктор технических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Юнусов Мирахмад Пулатович**  
доктор технических наук, профессор

**Хамидов Босит Набиевич**  
доктор технических наук, профессор

**Ведущая организация:** **АО «O'ZLITINEFTIGAZ»**

Защита диссертации состоится «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 г. в \_\_\_ часов на заседании научного совета DSc 03/30.12.2019.T.04.01 при Ташкентском химико-технологическом институте: (Адрес 100011, г. Ташкент, Шайхантахурский район, ул. А. Навои, 32. Тел.: (99871) 244-79-20, факс: (99871) 244-79-17, e-mail: [tkti\\_info@edu.uz](mailto:tkti_info@edu.uz)).

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Ташкентского химико-технологического института за №\_\_\_, с которой можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре (100011, г. Ташкент, Шайхантахурский район, ул. А. Навои, 32. Тел.: (99871)244-79-20, факс: (99871)244-79-17, e-mail: [tkti\\_info@edu.uz](mailto:tkti_info@edu.uz).)

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 года.  
(протокол рассылки № \_\_\_ от \_\_\_\_\_ 2021 года).

**С.М. Турабджанов**  
Председатель научного  
совета по присуждению  
учёных степеней, д.т.н.,  
профессор

**Х.Э. Кадилов**  
Учёный секретарь научного  
совета по присуждению  
учёных степеней, д.т.н.,  
доцент

**Г.Р. Рахмонбердиев**  
Председатель Научного  
семинара при Научном совете  
по присуждению учёных  
степеней, д.х.н. профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В настоящее время во всем мире битум и битумные композиции являются основным сырьём при защите органических и неорганических веществ от коррозии, получении дорожных покрытий и изоляционных материалов. Для улучшения технологических и эксплуатационных свойств битума и битумных композиций применяются методы их модификации. Вместе с тем, в целях улучшения морозо- стойкости, теплостойкости, эластичности, растяжимости битумов и увеличения их сроков эксплуатации, уделяется особое внимание созданию ингредиентов, формирующих структуру технологических, физико-механических, динамических свойств на основе заранее установленных требований.

В мире проводятся научные исследования в области модификации битумов и битумных композиций для улучшения их эксплуатационных свойств и увеличения сроков эксплуатации, устойчивости к холоду, жаре, сжатию и растяжению, создания модифицирующих ингредиентов и их технологий, разработки состава и технологии приготовления модифицированных битумных композиций, изучении химических и физико-химических свойств ингредиентов, входящих в состав композиций.

В нашей республике в последние годы проводятся ряд исследований по получению видов экспортоориентированных битумов на основе местного сырья, соответствующих производственным требованиям, изучению физико-химических технологических свойств ингредиентов, входящих в их состав, и на их основе созданию состава и технологии получения битума, устойчивого к холоду, жаре, сжатию и растяжению, эластичного, долговечного и стойкого к резко континентальным погодным условиям. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены задачи по «созданию технологий получения импортозамещающей продукции на основе местного сырья и вторичных ресурсов»<sup>1</sup>. В этом направлении важное значение имеет проведение научных исследований по созданию состава и технологии получения битума, устойчивого к холоду, жаре, сжатию и растяжению, эластичного, долговечного и стойкого к резко континентальным погодным условиям.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан УП №2298 от 11 февраля 2017 года «О программе локализации изделий и материалов на 2017-2019 года», УП №4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», УП №4891 от 6 апреля 2017 года «О критическом анализе объема и состава товаров (работ, услуг), углублении локализации импортозамещающего производства» и постановлениях ПП № 2916 от 21 апреля 2017 года «О ме-

---

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан №4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

рах по кардинальному совершенствованию и развитию системы обращения с отходами на 2017-2021 годы», а также в других нормативно-правовых документах, принятыми в данной сфере.

**Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий в Республике.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики VII. «Химические технологии и нанотехнологии».

**Степень изученности проблемы.** Научные исследования по созданию состава и технологий получения битума, используемого в различных условиях, на основе переработки нефти, занимались F. Nellensteyn, A. Ludwig, J.E. Dooley, C.J. Thompson, J.P. Pfeiffer, П.А. Ребиндер, Ф.Б.Унгер, И.Б. Грудникова, Д.А. Розенталь, Р.Б. Гун, А.А. Гуреев, И.М. Руденская, Л.М. Гохман, А.С. Колбановская, З.И. Сюняев, С.С. Негматов, Б.Н. Хамидов, А.С.Ибадуллаев, Б.Б.Собиров, Э.У.Тешабаева, К.С.Негматова и другие.

Ими были созданы технологии приготовления различных битумов для создания композиций, защищающих неорганические материалы от коррозии и сырости, дорожных и аэродромных покрытий, созданы технологии приготовления их сырья, вместе с тем, внедрены технологии состава, получения и эксплуатации битумных композиций на их основе.

